IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 23 Issue 01 AVGUST 2026

МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ҚИЛИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Каипбергенова Айзада Нурлибаевна
Янгийўл шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси,
1-даражали юрист
https://doi.org/10.5281/zenodo.21899333

Аннотация: Мазкур мақолада меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари тадқиқ этилган. Меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш, ходимларнинг меҳнат шартномаси, иш ҳақи, меҳнат таътили, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат соҳасида камситиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик билан боғлиқ муносабатлар таҳлил қилинган. Илмий адабиётлардаги ёндашувлар қиёсий таҳлил қилиниб, прокурор назоратининг предмети, чегаралари, давлат меҳнат назорати билан ўзаро нисбати ва профилактик хусусияти юзасидан муаллифлик ёндашуви билдирилган. Шунингдек, прокурор назоратини ташкил этишда фуқароларнинг мурожаатлари, назорат-таҳлил материаллари, давлат органлари маълумотлари ва электрон меҳнат тизимларидан фойдаланиш масалалари ёритилган. Мақолада меҳнат қонунчилиги бузилишларини барвақт аниқлаш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, прокурор таъсир чораларининг самарадорлигини ошириш ҳамда рискка асосланган рақамли таҳлил механизмларини жорий этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат қонунчилиги, прокурор назорати, қонунийлик, ходим ҳуқуқлари, иш берувчи, меҳнат шартномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш, прокурор таъсир чоралари, қонунбузилиш, рақамли назорат, рискка асосланган таҳлил.

Кириш

Инсоннинг муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш ҳуқуқий давлат ва ижтимоий адолат тамойилларининг муҳим кўринишларидан биридир. Меҳнат муносабатларида ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари қонунчилик билан аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, амалиётда мазкур талабларнинг бузилиши, айниқса, меҳнат шартномаларини расмийлаштирмаслик, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик, ходимларга тегишли меҳнат таътилини бермаслик, иш вақти режимига риоя қилмаслик, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш каби ҳолатлар учраши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ-798-сон Қонуни билан тасдиқланган янги Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларга мос равишда тартибга солишга қаратилган. Мазкур Кодексда меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат эркинлиги, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ижтимоий шериклик ва ходим меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланганлиги каби муҳим принциплар белгиланган[1].

Шу нуқтаи назардан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда давлат назоратининг барча шакллари билан бир қаторда прокурор назорати

[1] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябрь, ЎРҚ-798-сон.

ҳам муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида намоён бўлади. Бироқ илмий нуқтаи назардан прокурор назоратини фақат аниқланган қонунбузилишга нисбатан реакция билдириш механизми сифатида талқин қилиш етарли эмас. Унинг самарадорлиги қонунбузилишларни олдиндан аниқлаш, тизимли сабабларни таҳлил қилиш ва бузилган ҳуқуқларни тўлиқ тиклашга қаратилган комплекс ёндашув билан белгиланади.

Меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базанинг марказий элементи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳисобланади. Кодексда ходим ва иш берувчининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш тартиби, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар, меҳнат таътиллари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат низоларини ҳал этиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган[2].

Прокурор назоратининг ҳуқуқий асосини эса, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ташкил этади. Ушбу Қонун прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаб беради. Бундан ташқари, меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга.[3]

Меҳнат муносабатларининг халқаро стандартлари ҳам миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор фундаментал ва устувор конвенцияларини ратификация қилган бўлиб, мазкур стандартлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий мезон вазифасини бажаради.

Илмий полемика: прокурор назоратининг предмети ва чегаралари

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва прокурор назорати масаласи бўйича илмий адабиётларда бир нечта ёндашув шаклланган. Хусусан, Х. Мирсоатов меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишда прокуратура институтини такомиллаштиришни ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар, халқаро стандартлар ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда кўриш зарурлигини таъкидлайди[4]. К. Рахимова эса Ўзбекистонда прокурор назоратини фуқароларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандартларга мослаштириш ва назорат натижаларини тизимли таҳлил қилиш нуқтаи назаридан ривожлантиришни таклиф қилади[5].

Мазкур ёндашувлар билан умуман олганда келишиш мумкин, бироқ уларда прокурор назоратининг аниқ чегаралари ва уни давлат меҳнат назорати билан функционал жиҳатдан ажратиш масаласи етарлича очиб берилмаган, деб ҳисоблаймиз. Ю. Незнамова прокурорнинг меҳнат қонунчилиги ижроси устидан назорат ваколатлари, назорат чегаралари ва бошқа назорат органлари билан ваколатларни ажратиш муаммосини

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон;

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

[4] Мирсоатов Х. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назорати институтини такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси. 2021. Т.2. №2. Б.53–58.

[5] Раҳимова К. Ўзбекистонда бандлик соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Жамият ва инновациялар. 2024. Махсус сон. Б.270–276. DOI: 10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp270-276.

алоҳида кўрсатади[6]. Бу фикр назарий жиҳатдан муҳим, чунки прокурор назоратининг самарадорлиги бошқа органларнинг функцияларини такрорлаш билан эмас, қонунийликни таъминлашда уларнинг фаолияти устидан ҳуқуқий мувофиқлаштириш ва қонунбузилишларга прокурорлик таъсири самарадорлиги билан белгиланиши керак.

А. Мосунова прокурор назоратини меҳнат қонунчилиги ижросининг умумий қонунийлик ҳолатини таъминлаш билан боғлайди, Т. Сабельфельд эса меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини мустақил илмий ва амалий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ қилиш зарурлигини асослайди[7]. Биз мазкур позицияларни бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлар сифатида баҳолаймиз. Чунки меҳнат соҳасида прокурор назоратининг мустақил йўналиш сифатида шаклланиши уни давлат меҳнат инспекцияси назоратидан ажратиб қўйишни эмас, балки назорат предмети, ахборот манбалари, прокурорлик таъсир чоралари ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларини аниқ белгилашни англатади.

Шу билан бирга, хорижий тадқиқотларда ҳам прокурор назоратининг чегаралари ва махсус меҳнат назорати органлари билан ўзаро муносабати масаласи долзарб экани кўринади. Масалан, В. Ведянин прокурорнинг меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат муносабатларидаги ўрнини умумий тавсифлайди, Г. Васенкова эса прокурор назоратининг чегараларини алоҳида тадқиқ этган.[8] Бизнингча, Ўзбекистон шароитида ушбу илмий ёндашувларни тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки миллий прокуратура институти ва меҳнат назорати тизимининг ҳуқуқий хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштириш мақсадга мувофиқ.

Меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг предмети

Прокурор назоратининг самарадорлиги, аввало, унинг предметини тўғри белгилашга боғлиқ. Меҳнат соҳасида прокурор назорати фақат ходимнинг мурожаати бўйича текширув ўтказиш билан чекланмаслиги лозим. Назорат жараёнида меҳнат муносабатларини расмийлаштириш, меҳнат шартномаларининг қонун талабларига мувофиқлиги, иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, иш вақти ва дам олиш вақтига риоя қилиниши, меҳнат таътилларининг берилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда қонунийлик, камситишга йўл қўймаслик, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.[9]

Прокурор назоратини ташкил этишнинг ташкилий масалалари

Меҳнат қонунчилиги ижроси устидан назоратни самарали ташкил этиш учун прокурорлик назоратини фақат реактив, яъни содир бўлган қонунбузилишга жавоб бериш шаклида эмас, балки профилактик ва таҳлилий асосда ташкил этиш талаб этилади. Бунинг учун ҳудуддаги меҳнат муносабатларининг ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш зарур. Айниқса, ишчилар сони кўп бўлган корхоналар, ишлаб чиқариш хавфи юқори объектлар,

---

[6] Незнамова Ю.Н. Проблемные вопросы, возникающие при осуществлении прокурорского надзора за исполнением трудового законодательства // Вопросы российской юстиции. 2024. Вып.31.

[7] Мосунова А.В. Общие положения о прокурорском надзоре за исполнением трудового законодательства // Марийский юридический вестник. 2021. №4(36). С.33–35; Сабельфельд Т.Ю. Прокурорский надзор за исполнением трудового законодательства в Российской Федерации: монография. Новосибирск, 2014.

[8] Ведянин В.В. Прокуратура в рамках надзорных отношений по соблюдению трудового законодательства: общая характеристика // Законность и правопорядок в современном обществе. 2015. №24. С.128–132; Васенкова Г.А. Пределы прокурорского надзора за исполнением трудового законодательства // Теория права и межгосударственных отношений. 2021. Т.2. №8(20). С.23–28.

[9] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси; «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун.

қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда норасмий бандлик эҳтимоли юқори бўлган фаолият турларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Назорат тадбирларини ташкил этишда фуқароларнинг мурожаатлари, давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари, меҳнат соҳасидаги давлат назорати органлари материаллари, суд амалиёти, оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлар, статистик маълумотлар, электрон меҳнат муносабатлари тизимларидаги маълумотлар ҳамда корхоналарнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларидан комплекс фойдаланиш мумкин. К. Рахимова ҳам «Ягона миллий меҳнат тизими» маълумотларидан тизимли таҳлилда фойдаланишни таклиф этади.[10]

Меҳнат қонунчилиги бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш

Меҳнат соҳасидаги қонунбузилишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, айрим ҳолларда ходим ҳуқуқининг бузилганлиги ташқи жиҳатдан кўзга ташланмаслиги мумкин. Масалан, меҳнат шартномаси расмий тузилган бўлса-да, амалда ходимга шартномада кўрсатилганидан кўпроқ иш юклатилиши ёки иш вақтидан ташқари меҳнат учун тегишли тўлов амалга оширилмаслиги мумкин. Шу сабабли прокурор текшируви фақат ҳужжатларни формал ўрганиш билан чекланмаслиги керак.

Иш ҳақи бўйича қонунбузилишларни аниқлашда меҳнат шартномалари, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқлар, табеллар, ҳисоб-китоб ҳужжатлари, банк маълумотлари ҳамда бухгалтерия ҳужжатларини ўзаро солиштириш зарур. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида эса иш жойларининг ҳолати, ходимларнинг хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминланганлиги, меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ўтказилганлиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролар мурожаатларининг аҳамияти

Меҳнат ҳуқуқлари бузилган ходимларнинг мурожаатлари прокурор назоратининг муҳим ахборот манбаларидан бири ҳисобланади. Амалиётда ходимлар иш берувчининг босими, иш жойини йўқотишдан қўрқиш ёки ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги сабабли ўз ҳуқуқларини мустақил равишда ҳимоя қила олмаслиги мумкин. Шунинг учун мурожаатларни кўриб чиқишда прокурорлик органлари мурожаатда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳақиқатга мувофиқлигини текшириш билан бир қаторда, ушбу қонунбузилиш ортида тизимли муаммо мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳам аниқлаши керак.

Масалан, бир корхона ходимининг иш ҳақи тўланмаганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилганда, агар шу корхонада бошқа ходимларнинг ҳам иш ҳақи бўйича қарздорлиги мавжудлиги аниқланса, масала алоҳида ходимнинг ҳуқуқини тиклаш билан чекланмасдан, корхонадаги тизимли қонунбузилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Прокурор назоратини рақамлаштириш зарурати

Замонавий меҳнат муносабатлари шароитида прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш учун рақамли маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш муҳим. Хусусан, меҳнат шартномаларининг электрон ҳисоби, иш ҳақи тўловлари, ходимлар сони, иш вақти ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш орқали қонунбузилиш хавфи юқори бўлган субъектларни олдиндан аниқлаш имконияти мавжуд. Бундай ёндашув прокурор назоратини «қонунбузилиш содир бўлгандан кейин таъсир кўрсатиш»

[10] Раҳимова К. Ўзбекистонда бандлик соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. // Жамият ва инновациялар. 2024. Махсус сон. Б.275–276

моделига эмас, балки «қонунбузилиш хавфини олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш» моделига яқинлаштиради.

Шу нуқтаи назардан меҳнат соҳасида прокурор назорати учун рискка асосланган таҳлил механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда иш ҳақи бўйича юқори қарздорлик, ходимлар алмашинувининг кескин ошиши, норасмий бандлик белгилари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг кўп сонли мурожаатлари каби мезонлар таҳлилий индикатор сифатида қўлланиши мумкин.

Мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар

Меҳнат қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: меҳнат соҳасидаги қонунбузилишларнинг ҳудудий таҳлилини мунтазам юритиш; юқори хавфли соҳалар бўйича алоҳида назорат алгоритмларини шакллантириш; прокурорлик текширувларида меҳнат, бухгалтерия, молия ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича мутахассислардан самарали фойдаланиш; меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳақидаги мурожаатларни умумлаштириб, муайян корхона ёки соҳа доирасида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш; аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш билан бир қаторда, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган прокурор таъсир чораларига устувор аҳамият бериш; меҳнат соҳасидаги прокурор назорати натижаларини электрон таҳлил қилиш имконини берувчи маълумотлар базасини шакллантириш.

Муаллифлик нуқтаи назаридан яна бир муҳим таклиф — прокурор назоратининг ахборот-аналитик моделида «мурожаат → текширув → таъсир чораси» занжирини «маълумотлар интеграцияси → рискни баҳолаш → профилактик текширув → бузилган ҳуқуқни тиклаш → сабабларни бартараф этиш → натижани мониторинг қилиш» модели билан тўлдиришдир. Бундай модель назоратнинг натижадорлигини фақат аниқланган қонунбузилишлар сони билан эмас, балки тикланган ҳуқуқлар, бартараф этилган тизимли сабаблар ва қайта қонунбузилишлар камайиши билан баҳолаш имконини беради.

Хулоса

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири ҳисобланади. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур институтни ривожлантиришда икки асосий ёндашув — меҳнат ҳуқуқларини конституциявий ва ижтимоий кафолат сифатида кучайтириш ҳамда прокурор назоратининг предмети ва чегараларини аниқ белгилаш — ўзаро уйғунлаштирилиши лозим.[11] Биз иккинчи ёндашувни биринчи ёндашувга муқобил эмас, балки унинг амалий кафолати сифатида баҳолаймиз.

Шунингдек, қонунчилик нормаларининг мавжудлиги ўз-ўзидан қонунийликни таъминламайди. Уларнинг амалда самарали ижро этилиши учун давлат назорати ва прокурорлик назорати механизмлари ўзаро уйғун ва тизимли ишлаши зарур. Меҳнат соҳасида прокурор назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши текширувлар сонини кўпайтириш эмас, балки уларнинг сифатини ошириш, қонунбузилишларни эрта аниқлаш, тизимли сабабларни бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тўлиқ тиклаш ва профилактик механизмларни кучайтиришдан иборат бўлиши лозим.

[11] Тураев Ж. Theoretical Analysis of Specific Aspects of State Control and Inspection Regarding Compliance with Employees' Labor Rights // Uzbek Journal of Law and Digital Policy. 2025.

Айниқса, рақамли маълумотлардан фойдаланиш ва рискка асосланган таҳлил механизмларини жорий этиш меҳнат қонунчилиги бузилишларини олдиндан аниқлаш имконини кенгайтиради. Натижада прокурор назорати реактив назорат модели доирасидан чиқиб, ҳуқуқбузилишларнинг олдини олиш ва инсоннинг меҳнат ҳуқуқларини реал таъминлашга қаратилган превентив ҳуқуқий механизм сифатида шаклланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил 30 апрель.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябрь, ЎРҚ-798-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон.
4. Мирсоатов Х. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назорати институтини такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси. 2021. Т.2. №2. Б.53–58.
5. Раҳимова К. Ўзбекистонда бандлик соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари // Жамият ва инновациялар. 2024. Махсус сон. Б.270–276. DOI: 10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp270-276.
6. Незнамова Ю.Н. Проблемные вопросы, возникающие при осуществлении прокурорского надзора за исполнением трудового законодательства // Вопросы российской юстиции. 2024. Вып.31.
7. Мосунова А.В. Общие положения о прокурорском надзоре за исполнением трудового законодательства // Марийский юридический вестник. 2021. №4(36). С.33–35; Сабельфельд Т.Ю. Прокурорский надзор за исполнением трудового законодательства в Российской Федерации: монография. Новосибирск: Золотой колос, 2014. 224 с.
8. Ведянин В.В. Прокуратура в рамках надзорных отношений по соблюдению трудового законодательства: общая характеристика // Законность и правопорядок в современном обществе. 2015. №24. С.128–132; Васенкова Г.А. Пределы прокурорского надзора за исполнением трудового законодательства // Теория права и межгосударственных отношений. 2021. Т.2. №8(20). С.23–28.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ-445-сон.
10. Раҳимова К. Ўзбекистонда бандлик соҳасида прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари. // Жамият ва инновациялар. 2024. Махсус сон. Б.275–276.
11. Тураев Ж. Theoretical Analysis of Specific Aspects of State Control and Inspection Regarding Compliance with Employees' Labor Rights // Uzbek Journal of Law and Digital Policy. 2025.